

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06 2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВА ДИЛНОЗА АХРОРОВА**

**ИНГИЧКА ИЧАК ЛИМФОИД ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ  
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА НУР КАСАЛЛИГИДА  
БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
медицинским наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
medical sciences**

**Хасанова Дилноза Ахроровна**

Ингичка ичак лимфoid тузилмаларининг морфофункционал  
хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги  
ўзгаришлари ..... 3

**Хасанова Дилноза Ахроровна**

Морфофункциональные особенности лимфoidных структур  
тонкой кишки в норме и при воздействии биостимулятора на  
фоне лучевой болезни ..... 19

**Khasanova Dilnoza Akhrorovna**

Morphofunctional features of lymphoid structures of the small  
intestine in the norm and under the expose of biogenic stimulant  
on the background of radiation sickness ..... 35

**Эълон қилинган нашрлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
Lists of published works  
..... 39

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06 2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВА ДИЛНОЗА АХРОРОВА**

**ИНГИЧКА ИЧАК ЛИМФОИД ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ  
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА НУР КАСАЛЛИГИДА  
БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Tib418 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)). жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тешаев Шухрат Жумаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Миршаропов Уткур Миршаропович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ахмедов Шавкат Махмудович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Павел Йозеф Шафарик Университети**  
(Словакия)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-25, e-mail: [tma2005@mail.ru](mailto:tma2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ куни тарқатилган.

(2019 йил «\_\_\_»\_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Г. И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари  
доктори, профессор

**Н. Ж. Эрматов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик  
Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт  
фанлари доктори, доцент

**Р. Ж. Усманов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда нурланиш муаммоси нафақат радиобиологик, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади. «...организмнинг иммун тизимига атроф-муҳитнинг турли таъсирларига жавоб берувчи лимфоид органларнинг жавоб реакцияси бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда, уларга радиацион нурларнинг таъсири эса хавфли ҳисобланади...»<sup>1</sup>. Ёт антигенлар таъсиридан организмни ҳимоя қилиш ва организмнинг ички муҳитини доимий ушлаб туриш устидан назорат олиб бориш иммун тизимининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу вазифа табиий ва мослашув механизмлари ёрдамида амалга оширилади. «...лимфоид тўқимага радиациянинг таъсири нафақат лимфоцитларнинг нобуд бўлишига, балки уларнинг функционал фаоллиги ҳам сезиларли ўзгаришига олиб келади. Бу, ўз навбатида, нур таъсиридан сўнг яқин муддатларда ҳам, узок даврдан сўнг ҳам иммун жавобининг бузилишига олиб келиши мумкин...»<sup>2</sup>. Организмнинг лимфоид тузилмаларига бағишланган кўплаб ишлар мавжуд бўлиб, «...бу ишлар уларнинг ўрни ва аҳамиятини кенгайтириб, ичакларидаги лимфоид тўқима организмнинг умумий иммунологик ҳимоялашда ҳамда маҳаллий иммунитетни таъминлашда, инсонлар замонавий ноқулай экологик ва ижтимоий яшаш шароити фонида ҳамда катта ёшли соғлом аҳоли гуруҳларида ушбу тўқима конструкциясидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш, айниқса, долзарб ҳисобланади...»<sup>3</sup>. Эрта постнатал онтогенезда, барча экстремал омилларга нисбатан ниҳоятда сезгир бўлган биостимуляторлар ва уларнинг иммун органларга таъсири тўғрисида тадқиқотларнинг мавжудлигига қарамасдан, маълумотлар охиригача аниқ эмас ҳамда кам ўрганилган.

Жаҳонда ингичка ичак лимфоид тузилмаларининг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлар самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада каламушларнинг ингичка ичак деворини турли ёш даврида меъёрда ва сурункали нур касаллигида, нур касаллиги фонида биостимулятор таъсири остида морфометрик параметрларини асослаш; меъерий ва сурункали нур касаллигида биостимулятор таъсири остида каламушлар ингичка ичаги лимфоид ҳосилаларининг микротопографиясини ўрганиш асосланган. Меъерий ва сурункали нур касаллигида биостимулятор таъсири остида ингичка ичак деворининг турли бўлимларида лимфоид тўқима ҳолатини динамикадаги ўзига хосликлари ва ингичка ичак лимфоид ҳосилаларининг ҳолати бўйича сурункали нур касаллиги билан касалланган каламушларда АСД-2 фракцияли биостимуляторнинг миқдори ва қўлланишининг энг оптимал даври баҳолангани ҳолда, умумий ва касбий

<sup>1</sup> Журавская А.Н. Биологические эффекты малых доз ионизирующих излучений // Наука и образование. – Якутия, 2016. – №2. – С. 94-102.

<sup>2</sup> Александров Ю.А. Основы радиационной экологии. Учебное пособие /Мар. Гос. Ун-т; – Йошкар-Ола, 2017. – С 137-139.

<sup>3</sup> Григоренко Д.Е., Аминова Г.Г. Морфофункциональные особенности лимфоидной ткани тонкой и толстой кишки у взрослого человека // Успехи современного естествознания. – М., 2018. – №8. – С.90-91.

касалланиш даражасини пасайтиришга қаратилган морфологик тизимини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини тубдан такомиллаштириш мақсадида тиббиёт тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, замонавий тиббиёт усуқуналарини қўллаш натижасида беморлар ва тиббиёт ходимларининг нурланиши натижасида ривожланадиган онкологик касалликларни камайтиришга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланган, «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>4</sup>. Ушбу вазифалар радиацион нурланиш натижасида ривожланадиган касалликларни камайтириш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали онкологик касалликлар асорати натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Радиациявий хавфсизлик тўғрисидаги» қонунлари, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон фармонларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ичак девори тўқималари билан ассоцирланган лимфоид тўқимага бағишланган тадқиқотларда нур касаллиги фониди ингичка ичак лимфоид тўқимасининг тузилмавий ташкил этилиши ва цитологик ўзига хосликлари, жойлашган ўрни тўғрисидаги маълумотлар амалий жиҳатдан мавжуд эмас. Нурланганда организмнинг экзоген инфекцияларга (сил, ичбуруғ, вируслар ва бошқалар) чидамлилиги пасаяди ва барча касалликларнинг кечиш характери ўзгаради. Бундай организмда макрофаглар ва ретикулоэндотелиал тизим хужайралари томонидан амалга ошириладиган фагоцитоз жараёни издан чиқади (Ionizing radiation health effects and protective measures. Fact sheet No 371. November 2-12 [Electronic source]).

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони.

Иммун тизимнинг шикастланган хужайралари камқонликни, лимфоид органлар атрофиясини, ўсишдан ва ривожланишдан тўхташ ва организмнинг нобуд бўлишига олиб келади. Лейкопения ва камқонликда, яъни лимфоид тўқималар ва суяк кўмиги фаолияти пасайганда иммунитет кўпроқ издан чиқади. Қон хужайраларининг шикастланиши иммунитетнинг гуморал тизимининг бузилишига олиб келади [Лазаревич Н.В., Сергеева И.И., Лазаревич С.С., 2014]. Шу билан бирга нур касаллигида қон ҳосил қилувчи ва иммун тизими тикланишини кучайтирувчи ёки стимуллаш қобилиятига эга бўлган терапевтик дори воситалари чегаралангандир [Бутамо Н.В., Гребенюк А.Н., Легеза В.И. ва бошқалар 2004].

Республикамизда турли зарарли омиллар, шунингдек, пестицидларнинг токсико-гигиеник ва морфологик кўрсаткичлари, пестицидларнинг турли орган ва тизимлар фаолиятига таъсирининг морфолик ўзгаришлари ўрганилган [Ахмедова С.М., 2016; Закирова Н.Б., 2018; Рахматова М.Х., 2019; Парпиев А.М., 2019], бироқ ингичка ичак лимфоид тузилмаларининг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлари баҳоланмаган.

Иммун тизимига нурланиш таъсирини ўрганиш амалий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади, бу нурланишнинг таъсир механизмлари ва касалликни олдини олиш воситаларини излаш ҳамда радиацион шикастланишларни даволаш усулларига қаратилган кўп сонли замонавий илмий ишлар сони билан тасдиқланади, бироқ нурланишга боғлиқ бўлган махсус жавоб клиник тажрибаларда лаборатория ҳайвонларидан олинган кашфиётларнинг кенг миқёсда тасдиқланишига имкон бермайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03-4974 «Нурлангандан сўнг каламуш организмга Дорогов антисептик-стимуляторининг таъсирини ўрганиш» (2014-2019) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** каламушларни меъёрда ва нур касаллиги фонида биостимулятор таъсирида ингичка ичакдаги лимфоид ҳосилаларининг морфофункционал ҳослигини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

каламусларнинг ингичка ичак деворини 3, 6, 8, 9 ва 12 ойлик ёш даврида меъёрда, сурункали нур касаллигида, нур касаллиги фонида биостимулятор таъсири остида морфометрик параметрларини баҳолаш;

меъёрда, сурункали нур касаллигида, нур касаллиги фонида биостимулятор таъсири остида каламушлар ингичка ичаги лимфоид ҳосилаларининг микротопографиясини баҳолаш;

меъёрда, сурункали нур касаллигида, нур касаллиги фонида биостимулятор таъсири остида ингичка ичак деворининг турли бўлимларида лимфоид тўқима ҳолатини динамикадаги ўзига ҳосликларини белгилаш;

ингичка ичак лимфоид ҳосилаларининг ҳолати бўйича сурункали нур касаллиги билан касалланган каламушларда АСД-2 фракцияли биостимулятор миқдори ва уларни қўлланишнинг энг оптимал вақтини белгилаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида оддий виварий шароитида сақланган 280 дона, рандобрендланган янги туғилган ва 3, 6, 8, 9, 12 ойлик эркак каламушлар олиниб, ҳайвонлар 5 гуруҳга ажратилган: назорат, сурункали нурланишли ва 3 та гуруҳ-АСД-2 фракция коррекцияси остидаги каламушлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тажриба остидаги каламушлар ингичка ичагининг турли бўлимларидан олинган гистологик материаллар хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тажрибавий, гистологик, морфологик, морфометрик, микроскопик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали нур касаллиги билан боғлиқ ёш аспектидаги каламушлар ингичка ичаги лимфоид тузилмасида гистотопографик кўрсаткичлари ҳамда ингичка ичакнинг лимфоид ҳосилаларига салбий таъсири нурлантирилган каламушларда гуруҳлаштирилган лимфоид тугунлар сони ва лимфоид тугунлари миқдорининг камайиши асосланган;

нурлантирилгандан сўнг гуруҳлаштирилган лимфоид тугунлар шаклининг овал шаклдан думалоқ шаклига ҳамда гуруҳлаштирилган лимфоид тугунларнинг нотўғри шаклга ўзгариши исботланган;

нурлантирилган каламушларнинг ингичка ичагида гуруҳлаштирилган лимфоид тугунлар билан қопланиш майдонининг камайиши ҳамда сурункали нурланиш таъсиридан сўнг ичакларнинг лимфоид тўқималари функционал фаоллигининг пасайиши исботланган;

тажриба ҳайвонларини нурлантириш вақтида биостимулятор билан коррекциялаш, эркак каламушлардаги нурлантирилгандан кейинги коррекциялашга нисбатан самарадорлиги, ингичка ичакда якка тартибли лимфоид тугунларнинг пайдо бўлиши фаоллашиши ҳамда сурункали нурланишнинг салбий таъсир кўрсатиш даражаси сезиларли пасайганлиги исботланган;

ингичка ичакнинг лимфоид тугунлари тузилмавий-функционал соҳасида шаклланиш суръати, хужайралар фаоллиги ва ингичка ичак лимфоид тузилмаларининг морфологик параметрлари дори воситаларисиз даволанганда нур касаллиги таъсири остида каламушлардаги худди шунга ўхшаш кўрсаткичлар ўртача даражадан юқори бўлиши ҳамда биостимуляторни қўллаш учун стандарт миқдори такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олинган маълумотлар ёш аспектида ингичка ичакдаги лимфоид ҳосилаларнинг юзага келиши мумкин бўлган шикастланишини башоратлаш, олдини олиш ҳамда патогенетик даволаш ва сурункали нурланишда ингичка ичакдаги морфометрик ўзгаришлар даражасини баҳолашга оид тасаввурларни кенгайтиради;



ингичка ичак лимфоид ҳосилаларидаги патоморфологик издан чиқишни эрта ташхислаш ва Дороговнинг иккинчи фракциядаги антисептик стимулятори билан иммун коррекциялаш асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган экспериментал, морфометрик, лаборатор ва статистик усуллар асосида ингичка ичак лимфоид тузилмаларининг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлар самарадорлигини баҳолашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли патоген омиллар таъсирида ёш аспектида организмда юзага келувчи иммунологик жараёнларнинг мураккаб механизмини очиб беришдаги билимларга янгича ёндашув ҳисобланган, ингичка ичак лимфоид ҳосилалари ва ундаги тузилмавий ўзгаришларни гистотопографик ўрганиш бўйича назарий билимлар даражасини кенгайтиришга имкон беради ва улар илмий фаолиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, нурлантирилган ҳайвонлар ингичка ичагидаги морфометрик ўзгаришларнинг асосий принциплари аниқлаб берилган. Олинган маълумотлар сурункали нур касаллигини эрта ташхислаш, башоратлаш ва самарали илмий асосланган даволаш тактикасининг ишлаб чиқилган усуллари сифатини яхшилашга сабаб бўлади. Улар, ўз навбатида, сурункали нурланиш билан боғлиқ бўлган беморлар меъда-ичак тизими касалликларини ўрганишда илмий лабораторияларда тажриба модели сифатида қўлланилиши мумкинлиги, тиббиёт олий ўқув юртларида маърузалар ўқиш, анатомия, гистология, патологик анатомия ва радиобиология фанлари бўйича амалий машғулотлар ўтказиш, талабаларга мустақил ишларни бажариш учун янги ўқув манбаси сифатида қўллашга тавсия этилиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ингичка ичак лимфоид тузилмаларининг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

«Сурункали нур касаллигида ингичка ичакнинг лимфоид ҳосилалари морфометрик параметрларини аниқлаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 октябрдаги 8н-д/234-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома сурункали нур касаллигида ингичка ичакнинг лимфоид тузилмаларида морфологик ўзгаришларни баҳолаш, уларни ўз вақтида даволаш тартибини тизимли ташкил этиш ва асоратларнинг олдини олишга имкон берган;

ингичка ичак лимфоид тузилмаларининг морфофункционал хусусиятлари ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлар самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика онкология ва радиология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказининг Бухоро филиали ва Бухоро вилоят кўп тармоқли болалар тиббий маркази клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 28 октябрдаги 8н-з/174-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши морфологик гуруҳлаштирилган лимфоид тугунлар миқдори, улардаги тугунлар сони, гуруҳлаштирилган лимфоид тугунларнинг ўлчамлари, лимфоид тугунларининг умумий майдони, ингичка ичакнинг тутқич қисми умумий майдонига лимфоид тугунлари умумий майдонининг нисбатини фоизлардаги ифодаси бўйича орган патологияларнинг ривожланишини эрта ташхислаш, даволаш ва башоратлаш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда асоратларни камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли таъсирлар остида ингичка ичак лимфоид тузилмаларининг морфофункционал хусусиятларига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида ингичка ичакнинг лимфоид тузилмалари морфофункционал хусусиятларига оид материаллар тақдим этилган. Ушбу бобда сўнгги йилларда маҳаллий ва хорижий илмий манбаларда нашр этилган меъёрда ва сурункали нурланишда ингичка ичак лимфоид тузилмасидаги морфометрик ўзгаришлар, миқдор ва қабул қилиш вақтига боғлиқ ҳолда АСД-2 фракцияси таъсири остидаги қиёсий морфофункционал

кўрсаткичлар тўғрисидаги кўплаб тадқиқотлар кўриб чиқилган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган томонлари белгиланган.

Диссертациянинг «**Нур касаллиги фонида меъёрада ва биостимулятор таъсири остида ингичка ичакнинг лимфоид тузилмаларининг морфофункционал хусусиятларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида қўйилган муаммо ҳал этилишини таъминловчи услубий ёндашувлар ва усуллар батафсил баён этилган.

Илмий иш янги туғилган давр – 3, 6, 8, 9 ва 12 ойлик ёшларга тақсимланган, рандобрендли 280 та эркак каламушни текшириш натижаларига асосланган. Тажрибаларни ўтказишда 1964 йилда қабул қилинган ва 1975 йил, 1983, 1989, 1996, 2000, 2002, 2004, 2008, 2013 йилларда тўлдирилган Бутунжаҳон Тиббий Ассоциациясининг Хельсинки декларацияси низомига кўзда тутилган ҳолатга асосланган.

Ҳайвонлар 5 гуруҳга бўлинди: (n=274): I гуруҳ- (интакт) назорат (n=67); II гуруҳ- икки ойлик ёшидан бошлаб, 0,2 Гр миқдорда (йиғинди миқдор 4,0 Грни ташкил этди) 20 кун давомида нурланиш олган каламушлар (n=54); III гуруҳ- икки ойлик ёшидан бошлаб, 0,2 Гр миқдорда (йиғинди миқдор 4,0 Грни ташкил этди) 20 кун давомида нурланиш олган ва 0,4 мл дистирланган сувда эритилган тоза АСД-2 ни 0,1 миқдорда нурлантириш вақтида АСД-2 препаратини параллел равишда олган каламушлар (n=57); IV гуруҳ- икки ойлик ёшидан бошлаб, 0,2 Гр миқдорда (йиғинди миқдор 4,0 Грни ташкил этди) 20 кун давомида нурланиш олган ва 0,3 мл дистирланган сувда эритилган тоза АСД-2 ни 0,2 миқдорда нурлантириш вақтида АСД-2 препаратини параллел равишда олган каламушлар (n=51); V гуруҳ- икки ойлик ёшидан бошлаб, 0,2 Гр миқдорда (йиғинди миқдор 4,0 Грни ташкил этди) 20 кун давомида нурланиш олган ва нурлантириш якунлангандан сўнг АСД-2 препаратининг тоза 0,1 мл миқдорида, 0,4 мл дистирланган сувда эритилган ҳолда олган каламушлар (n=45). АСД-2 мазкур миқдори эмперик йўл билан ҳисоблаб чиқилди ва эритма кўринишида ҳар куни меъда ичига юборилди. Сурункали нур касаллиги моделини яратиш учун каламушлар қуввати 25,006 сГр/дақиқа бўлган Эстониянинг «АГАТ Р1» қурилмаси билан икки ойлик ёшдаги каламушларни 20 кун давомида 0,2 Гр миқдорда нурлантириш ўтказилди (йиғинди миқдор 4,0 Грни ташкил этди). Назорат гуруҳи каламушларига 20 кун давомида металл зонд ёрдамида меъда ичига 0,5 мл ҳажмдаги дистирланган сув юборилди.

Қорин бўшлиғи ёрилгандан сўнг ингичка ичак чиқариб олинди. Морфологик текширишларни ўтказиш учун ингичка ичак тутқичини бутун ичак узунлиги бўйлаб кичик қайчилар ёрдамида тутқичининг чеккалари бўйлаб кесилди ва кейинчалик резекцияси (кўзда тутилган ичаклар кесишган чизик бўйлаб) ўтказилди. Сўнгра миллиметрли линейка ёрдамида ингичка ичакнинг тутқич қисми узунлиги, ингичка ичакнинг бошланғич, ўрта ва охириги қисмлари кенлиги ўлчанди. Ингичка ичакдан олинган тотал препаратлар оқиб турган сувда ювилгандан сўнг уларни гематоксилин –Н (Гаррис бўйича) билан бўяш ва 3%ли сирка кислотаси билан рангсизлантириш ўтказилди, кейин эса дистирланган сув билан такрорий ювиш амалга оширилди.


Гаррис гематоксилини билан бўялган тотал макропрепаратларда лимфоид тугунларининг миқдори, шакли, гурухлаштирилган лимфоид тугунларнинг (ГЛТ) ўлчамлари, гурухлаштирилган лимфоид тугунлари ўртасидаги масофа, улардаги лимфоид тугунларининг сони ва гурухлаштирилган лимфоид тугунлари билан қопланган ичакнинг тутқич қисми майдони, гурухлаштирилган лимфоид тугунларидаги лимфоид тугунларининг шакли ва ўлчами, ингичка ичакнинг тутқич қисмидаги  $1\text{мм}^2$  майдондаги якка ҳолда учрайдиган лимфоид тугунларининг сони ўрганилди.

Ингичка ичакнинг тутқич бўлими ва унинг лимфоид ҳосилаларини морфологик ва морфометрик ўрганиш учун ингичка ичакнинг бошланғич, ўрта ва охири бўлимларининг тутқич қисмидан бўлақлар олинди. Тўқима бўлақлари нейтрал формалиннинг 10%ли эритмасида фиксацияланди. Тегишли қайта ишлашдан сўнг материал парафинга қуйилди ва қалинлиги 4-6 мкм бўлган кесмалар тайёрланди, сўнгра улар гематоксин ва эозин билан бўялди. Кесмалар DN-107T/ NLCD -307B (Novel, Хитой) окуляр-микрометри ёрдамида морфометрик текширишдан ўтказилди, бунда ингичка ичакнинг тутқич қисмини, айниқса, лимфоид ҳосилалар жойлашган ерлардаги шиллик, шилликости, мушак ва сероз қаватларининг қалинлиги ўрганилди; кесманинг маълумот берувчи қисмлари суратга туширилди ва кейинчалик қайта ишланди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Pentium – IV персонал компютерида Microsoft Office Excel – 2012 дастур пакети ёрдамида статистик қайта ишлаш функцияларини қўллаган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Шахсий текшириш натижалари**» деб номланган учинчи боби 5 та бўлимдан ташкил топган бўлиб, унинг «**Ёш аспектида каламушларнинг ингичка ичаги ва унинг лимфоид ҳосилалари ривожланишининг морфологик ва морфометрик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бўлимида каламушларнинг назорат гуруҳидаги ингичка ичак лимфоид тузилмасининг морфологик ва морфометрик маълумотлари баён этилган. Ингичка ичак узунлигининг энг юқори ўсиш темпи 3 ва 8 ойлик ёшида 174,4% ва 24,5% га мос ҳолда кузатилса, энг паст кўрсаткич 9 ва 12 ойлик ёшида 2,5% ва 5,3% га мос ҳолда кузатилади. Периметр ўсиш темпининг энг юқори кўрсаткичи 3 ойлик ёшда аниқланди, у 142,9% га тенг бўлади, 9 ва 12 ойликда эса бу периметр энг паст натижага эга бўлиб, ҳар икки гуруҳда мос ҳолда бир хил натижани 2,6%ни кўрсатди. Ингичка ичакнинг бутун давомийлиги бўйлаб бляшкалар сонининг ўсиши энг юқори темпи 3 ойлик даврида кузатилиб, у 227,7% га тенг бўлади, энг паст кўрсаткич эса 12 ойлик даврига мос келиб-10,8%ни ташкил этади.


Ингичка ичакда ГЛТ йиғинди майдонининг энг юқори абсолют ўсиши 3 ойлик ёшда кузатилиб, у  $-11,0\text{мм}^2$  га тенг бўлди. Ўсиш темпи ҳам айнан шу ёшда юқори бўлди ва  $-185\%$ ни ташкил этди, энг кичик кўрсаткич эса 9 ойлик ёшида кузатилиб, у  $-6,0\%$ ни ташкил этди. Ингичка ичакнинг умумий майдонидан ГЛТнинг энг юқори даражада банд қилган майдонини 2,81% қисмини ташкил этиши 8 ойлик даврига тўғри келади (1-расмга қаранг).



**1-расм.** Назорат ва нурлантирилган каламушлар гуруҳида ГЛТ майдонининг ингичка ичакнинг умумий майдонига нисбати % да

**«Нурлантирилган каламушлардаги ингичка ичак лимфоид тугунларининг морфологик ва морфометрик хусусиятлари»** номли бўлимида сурункали нурланиш таъсиридан кейин каламушларнинг ингичка ичак лимфоид тузилмаларининг морфометрик кўрсаткичлари натижалари келтирилган. Нурлантирилгандан сўнг ингичка ичак узунлигининг энг юқори ўсиш темпи 3 ойлик ёшда -160,3% кузатилса, 9 ойлик ёшда эса энг кам 3,1% кузатилади. Периметр бўйлаб ўсиш темпининг энг юқори кўрсаткичи 3 ойлик даврда кузатилди, у 128,6% га тенг бўлди, 9 ойлик ёшда ушбу параметрлар энг паст кўрсаткичга тенг бўлиб, 1,4% ни кўрсатди.

Ингичка ичак бўйлаб пилакчалар сонининг энг юқори ўсиш темпи 3 ойлик даврда бўлади ва у 187,2% га тенг бўлди, энг паст кўрсаткич эса 9 ойлик даврда кузатилиб, у -0,22% га тенг бўлди (2-расмга қаранг).




**2-расм.** Турли ёш кесимларида бутун ингичка ичак бўйлаб ГЛТда лимфоид тугунчаларининг сони

Ингичка ичакнинг ГЛТ умумий майдонининг энг юқори абсолют ўсиши 3 ойлик даврда кузатилди ва у -76,8 мм<sup>2</sup> га тенг. Ўсиш темпининг юқорилиги шунингдек 3 ойлик даврда кузатилди ва у 494,3 % ни ташкил этди.

Ингичка ичакнинг умумий майдонидан ГЛТ билан банд бўлган энг катта ҳудуд 12 ойлик даврда 2,5% га тенг бўлиши қайд этилди.

**«АСД-2 фракциясини 0,1 мл миқдорда юбориш фониданурлантирилгандан сўнг каламушлардаги ингичка ичак лимфоид тугунларида морфологик ва морфометрик хусусиятлари» номли бўлимида тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 0,1 мл миқдорда АСД-2 тоза фракциясини киритиш фониданурлантирилгандан сўнг ингичка ичак узунлигининг энг юқори ўсиш темпи 3 ойлик ёшда -167,2% кузатилса, 9 ойлик ёшда эса энг кам 2,5% кузатилади.**



**3-расм.** Нурлантириш пайтида АСД-2 фракцияси юборилган 3 ойлик бўлган каламушнинг ингичка ичакдаги гурухлаштирилган ва якка ҳолдаги лимфоид тугунларининг тўпланиши. Хельман бўйича бўялган. 20 марта кат..  
1 – ингичка ичак девори, 2 – гурухлашган лимфоид тугунлар.

Периметр бўйлаб ўсиш темпининг энг юқори кўрсаткичи 3 ойлик даврда кузатилди, у 139,3% га тенг бўлди, 8 ойлик ёшда ушбу параметрлар энг паст кўрсаткичга тенг бўлиб, 0,8% ни кўрсатди.

Ингичка ичак бўйлаб пилакчалар сонининг энг юқори ўсиш темпи 3 ойлик даврда бўлади ва у 234,0%га тенг бўлди (3-расмга қаранг), энг паст кўрсаткич эса 6 ойлик даврда кузатилиб, у -0,93% га тенг бўлди.

Ингичка ичакнинг ГЛТ умумий майдонининг энг юқори абсолют ўсиши 3 ойлик даврда кузатилди ва у  $-9,7 \text{ мм}^2$  га тенг, энг паст кўрсаткичи эса 9 ойлик даврда кузатилиб, у -0,1% га тенг бўлади. Ўсиш темпининг юқорилиги шунингдек, 3 ойлик даврда кузатилди ва у 625,0% ни ҳамда 9 ойлик даврда эса энг кам -0,5% ни ташкил этди.

Ингичка ичакнинг умумий майдонидан АЛУ билан банд бўлган энг катта ҳудуд 8 ойлик даврда 2,67% га тенг бўлиши қайд этилди.

**«АСД-2 фракциясини 0,2 мл миқдорда юбориш фонида нурлантирилгандан сўнг каламушлардаги ингичка ичак лимфоид тугунларининг морфологик ва морфометрик хусусиятлари»** бўлимида тадқиқотларнинг кўрсатишича, 0,2 мл миқдорда АСД-2 тоза фракциясини киритиш фонида нурлантирилгандан сўнг ингичка ичак узунлигининг энг юқори ўсиш темпи 3 ойлик ёшда -163,0% кузатилса, 9 ойлик ёшда эса энг кам 3,4% кузатилади.

Периметр бўйлаб ўсиш темпининг энг юқори кўрсаткичи 3 ойлик даврда кузатилди, у 135,7% га тенг бўлди, 8 ойлик ёшда ушбу параметрлар энг паст кўрсаткичга тенг бўлиб, 1,37% ни кўрсатди. Ингичка ичак бўйлаб пилакчалар сонининг энг юқори ўсиш темпи 3 ойлик даврда бўлади ва у 229,8% га тенг бўлди, энг паст кўрсаткич эса 6 ойлик даврда кузатилиб, у -0,94% га тенг бўлди.

Ингичка ичакнинг ГЛТ умумий майдонининг энг юқори абсолют ўсиши 3 ойлик даврда кузатилди ва у  $-8,5\text{мм}^2$  га тенг. Ўсиш темпининг юқорилиги шунингдек, 3 ойлик даврда кузатилди ва у 425,0% ни ташкил этди.

Ингичка ичакнинг умумий майдонидан ГЛТ билан банд бўлган энг катта ҳудуд 12 ойлик даврда 2,55% га тенг бўлиши қайд этилди.

**«0,1 мл миқдорда нурлантирилгандан сўнг АСД-2 фракциясини қабул қилган каламушларнинг ингичка ичак лимфоид тугунлари ва лимфоид тугунларининг морфологик ва морфометрик хусусиятлари»** бўлимида 0,1 мл миқдорда АСД-2 тоза фракциясини киритиш фонида нурлантирилгандан сўнг ингичка ичак узунлигининг энг юқори ўсиш темпи 8 ойлик ёшда -25,3% кузатилса, 9 ойлик ёшда эса энг кам 2,7% кузатилиши баён этилган.

Периметр бўйлаб ўсиш темпининг энг юқори кўрсаткичи 6 ойлик даврда кузатилди, у 157,1% га тенг бўлди, 9 ойлик ёшда ушбу параметрлар энг паст кўрсаткичга тенг бўлиб, 1,35% ни кўрсатди.

Ингичка ичак бўйлаб пилакчалар сонининг энг юқори ўсиш темпи 6 ойлик даврда бўлади ва у 204,3%га тенг бўлди, энг паст кўрсаткич эса 8 ойлик даврда кузатилиб, у -0,93% га тенг бўлди.

Ингичка ичакнинг ГЛТ умумий майдонининг энг юқори абсолют ўсиши 6 ойлик даврда кузатилди ва у  $-12,6\text{мм}^2$  га тенг, энг паст кўрсаткичи эса худди шу ёшда аниқланиб, у -111,7% га тенг бўлади. Ингичка ичакнинг умумий майдонидан ГЛТ билан банд бўлган энг катта ҳудуд 12 ойлик даврда 2,54% га тенг бўлиши қайд этилди.


Барча олинган натижалар ёш аспектида баён этилган, бунда сурункали нурланишнинг ривожланиш вақти ҳисобга олинган, у билан боғлиқ ҳолда эса тажриба ҳайвонларининг янги туғилган вақтидан бошлаб то бир ёшга тўлгунча бўлган муддатда морфометрик параметрларни ўрганиш бўйича натижалар баёни келтирилган.

Шундай қилиб тадқиқотларнинг кўрсатишича, ингичка ичакнинг морфометрик кўрсаткичлари (узунлиги, периметри, қалинлиги) ёш катталашган сари нотекис ошиб боради.

Олинган маълумотлар сурункали нур касаллигининг (СНК) ингичка ичакнинг лимфоид ҳосилаларига салбий таъсири шубҳасиз янгидан гувоҳлик беради, у нурлантирилган каламушларда гуруҳлаштирилган лимфоид тугунлари ва улардаги тугунлар сони камайиши билан намоён бўлади.

Сурункали нур касаллиги ингичка ичакнинг ушбу морфометрик кўрсаткичларининг ўсиш темпига салбий таъсир кўрсатади. Корректор кўринишида АСД-2 фракциясини қўллаш ингичка ичакнинг морфометрик кўрсаткичлари ўсиш суръатига ижобий таъсир кўрсатади. АСД-2 фракциясини қўллаш вақти ва миқдори ҳолатни тўғрилаш жараёнида аҳамиятга ва ўсишнинг турли суръатига эга бўлиши исботланди. Ингичка ичакнинг морфометрик параметрлари бўйича энг яхши коррективка натижаси нурланишда тана оғирлигининг 100 граммга 0,2 мл миқдорда АСД-2 фракцияси қўлланган гуруҳга нисбатан 100 грамм тана оғирлигига 0,1 мл миқдорда нурлантирилган гуруҳларда олинди. Ингичка ичакнинг макроскопик лимфоид ҳосилалари якка ҳолда ва гуруҳлаштирилган лимфоид тугунлар кўринишида тақдим этилди.

Назорат гуруҳида ичакнинг 1 мм<sup>2</sup> майдонида якка ҳолдаги лимфоид тугунлар сони ингичка ичакнинг охириги қисмигача бўлган худудда деярли 1,7 мартага ортади. Сурункали нур касаллиги якка ҳолдаги лимфоид тугунларнинг ўлчамлари ва сонига салбий таъсир кўрсатди. Сурункали нур касаллигини олган каламушларнинг 3 ойлик гуруҳида уларнинг сони назорат гуруҳи билан таққосланганда 1,22 марта кам. Ёш катталашиб бориши билан у аста-секин камайиб боради ва 12 ойлик бўлганда 1,1 мартага етади. СНК ГЛТнинг ўлчамлари ва миқдорига, шунингдек, ГЛТ миқдорига салбий таъсир кўрсатди. ГЛТлар ўлчами ва сони, улардаги тугунлар сони назорат гуруҳига нисбатан СНКдаги барча ёш гуруҳларида камдир. Сурункали нурланиш таъсири таҳлилида аниқландики, нурлангандан сўнг ГЛТнинг шакли думалоқ шаклдан нотўғри шаклга ўзгаради (4-расмга қаранг).



**4-расм.** Тажриба давомида каламуш ингичка ичагидаги лимфоид пиллакчаларининг шаклини қиёсий таҳлили

Корректор кўринишида АСД-2 фракциясини қўллаш ГЛТнинг морфометрик кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди.

Юқорида таъкидланганидек, АСД-2 фракциясини энг яхши корректор сифатида қўллаш вақтга ва препарат миқдорига боғлиқ бўлади. Энг яхши натижаси 100 грамм тана оғирлигига нурланиш вақтида ва нурлангандан сўнг 0,2 мл миқдорда АСД-2 фракциясини қабул қилишга нисбатан каламушларнинг



100 грамм тана оғирлигига 0,1 мл миқдорда нур олган вақтидаги АСД-2 фракцияси қабул қилинганда олинди. Сурункали нурланган каламушларнинг ингичка ичак қопламаси майдонида гурухлаштирилган лимфоид тугунлар миқдори назорат гуруҳига нисбатан солиштирилганда камаяди, бу сурункали нурлантириш таъсиридан сўнг ингичка ичак лимфоид тўқималарининг функционал фаоллиги пасайганлигидан гувоҳлик беради.

Меъда ичак тизими органларидаги кўрсатилган тузилмавий ўзгаришлар асосида ГЛТнинг шаклланиши ва ўсиш жараёнининг кучли издан чиқиши ётади, бундан ингичка ичак девори қалинлиги ўзгаришининг юқори даражаси ва зичликнинг тақсимланиши камайиши гувоҳлик беради. ГЛТ морфологиясига нурланишнинг сезиларли таъсири қайд этилади, бунда морфометриянинг баъзи кўрсаткичлари: ГЛТнинг узунлиги, кенлиги ва қалинлиги камаяди.

Нур касаллигини биостимулятор билан бир вақтда коррекция қилиниши эркак каламушларда нурлантирилгандан сўнг биостимулятор билан коррекция қилинишига нисбатан, шубҳасиз, бир қатор афзалликларга эга, у ижобий самара кўрсатди: ингичка ичакда ГЛТнинг пайдо бўлиши фаоллашди, сурункали нурланишнинг салбий таъсири сезиларли равишда пасайди. Ингичка ичак лимфоид тугунларининг тузилмавий-функционал зоналарини шаклланиш суръати, улардаги ҳужайраларнинг фаоллиги ва ингичка ичакнинг лимфоид тузилмалари текширилган морфологик параметрлари биостимулятор таъсирисиз нур касаллиги таъсири остида каламушларда худди шу каби кўрсаткичлардан ўрта даражада юқори бўлиши аниқланди.

Каламушларда биостимуляторни қўллашнинг стандарт дозировкаси тоза АСД-2 фракциясини 0,1 мл миқдорда киритиш фонида нурланганда, 0,2 мл миқдорда киритишга, шунингдек, нурлангандан сўнг АСД-2 фракциясини қабул қилганга нисбатан янада самаралидир.

Нурлангандан сўнг АСД-2 фракциясини коррекция қилиш ўз ўрнига эга бўлди ва параллел равишда АСД-2 фракциясини 0,1 ёки 0,2 мл миқдорда қабул қилишга нисбатан солиштирилганда кучсиз намоён бўлди. Агарда самара бир хил бўлса, кичик миқдорларни қўллаш албатта мақсадга мувофиқдир.

Оғирликнинг кг (тана оғирлигининг) ўлчамларининг меъёрий маълумотларини ҳисобга олган ҳолда нурлантириш вақтида сурункали нур касаллигида иммунокорректор кўринишида АСД-2 фракциясини қўллаш, бошқа қимматбаҳо иммуномодуляторлар қаторида тенг ижобий натижалар беради.

Сурункали нурланиш билан ингичка ичакдаги лимфоид ҳосилаларнинг морфометриясининг аниқланган қонуниятлари тиббиётнинг замонавий босқичидаги истикболли йўналиш ҳисобланади.

АСД-2 фракциясини фармакологик миқдорлари ишлаб чиқилгандан сўнг уларни сурункали нур касаллиги ва унинг оқибатларини даволаш учун, шунингдек, касбий фаолияти билан боғлиқ ҳолда сурункали нурланиш таъсирига учраган инсонлар учун корректор кўринишида муваффақиятли қўллаш мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

«Ингичка ичак лимфоид тузилмаларининг морфофункционал хусусиятларининг меъёрда ва нур касаллигида биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ингичка ичак морфометрияси шуни кўрсатдики, узунлик, периметр ва қалинлик ёш ошган сари нотекис ва бир хил бўлмаган ҳолатда ўзгаради. Сурункали нурланган каламушларда ушбу параметрларнинг ўсиш суръати назорат гуруҳига нисбатан таққосланганда секинлашган.

2. Сурункали нур касаллиги якка ҳолда учрайдиган лимфоид тугунларнинг ўлчамлари ва сонига салбий таъсир кўрсатди. Биостимулятор билан коррекция қилинганда тажрибанинг якуний муддатларида уларнинг миқдори ортишини кўринишида кўриш мумкин.

3. Сурункали нур касаллиги лимфоид пилакчалар нотўғри шакллариининг ортишига, биостимулятор билан коррекция қилиниши эса улар миқдорининг камайишига ва назорат кўрсаткичларига яқинлашишига олиб келди.

4. Биринчи лимфоид пилакча нурлантиришга ўлчамининг камайиши билан жавоб беради, антисептик-стимулятор эса худди иммуномодулятор каби таъсир кўрсатади, бу ерда биринчи лимфоид пилакчанинг ўлчами назорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан ва сурункали нур таъсир эттирилган гуруҳ кўрсаткичларидан катта.

5. Сурункали нур касаллиги гуруҳлаштирилган лимфоид тугунлари миқдорининг камайишига ва улардаги лимфоид тугунлар ҳамда улар ўлчамларининг камайишига олиб келади. Антисептик-стимулятор уларнинг сони ортиши, ундаги тугунлар сони ва лимфоид тугунлари эгаллаган майдонни катталлашишига таъсир кўрсатади, бу эса таъсир қилиш вақти ва миқдори билан боғлиқдир.

6. Сурункали нур касаллигида гуруҳлаштирилган лимфоид тугунлари ўртасидаги масофа, марказий тугундан четки тугунларгача бўлган масофа камаяди, четки тугунлар ўртасидаги тугунлараро масофа ортиши аниқланди.

7. Сурункали нур касаллигида назорат гуруҳига нисбатан фарқли равишда (2,81дан 2,1% гача), ингичка ичакнинг гуруҳлаштирилган лимфоид тугунлари билан қопланган майдони камаяди, бу сурункали нурлантириш таъсиридан сўнг ичак лимфоид тўқималари функционал фаоллиги камайишидан гувоҳлик беради, каламушлар 100 грамм тана оғирлигига АСД-2 фракциясини 0,1 ва 0,2 мл миқдори лимфоид тугунларининг майдон-ўсиш параметрларига ижобий таъсир кўрсатди (2,67% ва 2,55% га мос ҳолда).

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06 2017.Tib.30.03 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ХАСАНОВА ДИЛНОЗА АХРОРОВНА**

**МОРФОФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЛИМФОИДНЫХ  
СТРУКТУР ТОНКОЙ КИШКИ В НОРМЕ И ПРИ ВОЗДЕЙСТВИИ  
БИОСТИМУЛЯТОРА НА ФОНЕ ЛУЧЕВОЙ БОЛЕЗНИ**

**14.00.02 – Морфология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА  
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан B2017.4.PhD/Tib418.**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Тешаев Шухрат Жумаевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Миршаропов Уткур Миршаропович**  
доктор медицинских наук, профессор  
**Ахмедов Шавкат Махмудович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущее учреждение:** **Университет Павла Йозефа Шафарика**  
**(Словакия)**

Защита состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии (Адрес 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: +99871 150-78-25, e-mail : [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №\_\_\_). (Адрес: 100109, г.Ташкент, улица Фароби, 2. Тел//факс: +99871 150-78-25).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года  
(реестр протока рассылки №\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Г. И. Шайхова**  
Председатель Разового Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

**Н. Ж. Эрматов**  
Ученый секретарь Разового Научного  
совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук

**Р. Ж. Усманов**  
Председатель научного семинара при  
Разовом Научном совете по  
присуждению ученых степеней, доктор  
медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Во всем мире проблема облучения считается наиболее сложной задачей, имеющей не только радиобиологическое, но и социальное значение. «...проводятся исследования реакции лимфоидных органов на различные воздействия окружающей среды на иммунную систему организма, а воздействие радиации на них считается опасным...»<sup>1</sup>. Защита организма от воздействия чужеродных антигенов и контроль за поддержанием постоянства внутренней среды организма является основной функцией иммунной системы. Эта функция выполняется с помощью естественных и адаптивных механизмов. «...воздействие радиации на лимфоидную ткань приводит не только к гибели лимфоцитов, но и вызывает значительные изменения их функциональной активности. Это, в свою очередь, может приводить к извращению иммунного ответа как в ближайшие сроки, так и в отдаленном периоде после лучевого воздействия...»<sup>2</sup>. Существует множество работ, посвященных лимфоидным структурам организма, «...которые всеобъемлемо расширяют их роль и значимость, лимфоидная ткань кишечника человека играет важную роль как в общей иммунологической защите организма, так и в местном поддержании иммунитета, особую актуальность представляют исследования изменений конструкции этой ткани у практически здоровых людей старших возрастных групп и на фоне современных неблагоприятных экологических и социальных условий жизни человека...»<sup>3</sup>. Несмотря на наличие публикаций про воздействие биостимуляторов, их действие на иммунные органы, необычайно чувствительные по отношению ко всем экстремальным факторам, в раннем постнатальном онтогенезе недостаточно выяснены и не изучены.

В настоящее время в мире проводятся ряд научных исследований по оценке морфофункциональных особенностей лимфоидных структур тонкой кишки и эффективности применения биостимулятора при лучевых заболеваниях. В связи с этим обоснованно изучение морфометрических параметров стенки тонкой кишки крыс при воздействии биостимулятора на фоне лучевой болезни, при хроническом лучевом облучении в норме и в различные возрастные периоды; изменений микротопографии лимфоидных образований тонкой кишки крыс под влиянием биостимулятора в норме и при хроническом лучевом облучении. Дана оценка специфичности лимфоидной ткани в различных отделах стенки тонкой кишки под влиянием биостимулятора в норме и при хронической лучевой болезни в динамике и выбор наиболее оптимального периода применения биостимулятора АСД-2 фракции у крыс при

---

<sup>1</sup> Журавская А.Н. Биологические эффекты малых доз ионизирующих излучений // Наука и образование. – Якутия, 2016. – №2. – С. 94-102.

<sup>2</sup> Александров Ю.А. Основы радиационной экологии. Учебное пособие /Мар. Гос. Ун-т; – Йошкар-Ола, 2007. – С 137-139.

<sup>3</sup> Григоренко Д.Е., Аминова Г.Г. Морфофункциональные особенности лимфоидной ткани тонкой и толстой кишки у взрослого человека // Успехи современного естествознания. – М., 2003. – №8. – С.90-91.

развитии хронического лучевого облучения на состояние лимфоидных образований тонкой кишки.

